

ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ Кундалик газетаси

№ 153 (11.214)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кеча сатрларда

● **КЕЧА** Шайхонтоҳур туманидаги «Ипакчи» маҳалласи гузарига маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида «Ўзбекистон — аҳил оила» мавзусида Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ҳамкорликларида ўтказилган тадбир мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланди.

● **ШАХРИМИЗДА** кредит уюмлари ва молия муассасалари ходимлари малакасини ошириш мақсадида семинар ташкил этилди.

● **МИРОБОД** туманидаги Фафур Гулом номи маданият уйида бадиий-хаваскорлик жамоалари раҳбарлари, аъзолари, ўқув-курслари, тўғарақлар қатнашчилари иштирокида БУГУН уюштирилган «Вога етмаган қизларни турмушга тайёрлаш» мавзусидаги давра суҳбати ёшлар йилига бағишланди.

● **БУГУН** Хамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида бадиий хаваскорлик жамоалари раҳбарлари, аъзолари, ўқув-курслари, тўғарақлар қатнашчилари иштирокида кузги-кишик мавсумга тайёрларлиқ кўриш масаласига бағишланган тадбир ўтказилди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар газ бошқармаси, Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ҳамкорликларида мутахассислар иштирокида кузги-кишик мавсумга тайёрларлиқ кўриш масаласига бағишланган тадбир ўтказилди.

● **ЕЗГИ** таътилининг сермазмун ўтишини таъминлаш мақсадида пойтахт вилоятида истикомат қилаётган бир гуруҳ болажонлар шахримизга экскурсия уюштиришди ва Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини, тарихий иншоотларини, музейларни томоша қилишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).




БУНЁДКОРЛАР ШИЖОАТИ


Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, ўтган қисқа давр мобайнида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, чирой очди, яшнаб ва ёшариб бормоқда. Барпо этилган мухташам ва салобатли бинолар, кўркам иншоотлар, жаҳон андозларига мос равиш йўллари замонавий кўприклар, лицей, коллеж ҳамда олий ўқув юрталари, кўп қаватли турар жой бинолари кўрган кўзларни қувватлиб юрт ободлигида, халқ фаровонлигида муҳим ҳисса бўлмоқда. Халқимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳиятининг амалдаги эркин ифодаси бўлган бундай ишлар қадимий ва замонавий меъморчилик анъаналарига уйғун ҳолда олиб борилаётгани эътиборга лойиқдир. Шу ўринда айтиш лозимки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида миллий ва замонавий шаҳарсозлик анъаналарини ўзда уйғунлаштирган ўзбек мактаби шаклланди.

Бугунги кунда қуриш, яратиш, обод этиш йўлида яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланаётган, изланувчан лойиҳачи, моҳир меъморлар билан ҳамкорликда маҳоратларини намойён этаётган кўли гул бунёдкорларимизнинг меҳнатлари ҳар қанча таҳсинга лойиқки, айни кунда мамлакатимизнинг қай бир ҳудудини кезманг, уларнинг қурилиш майдонларидаги ғайрат-шижоатига гувоҳ бўласиз. Қурувчилар тез ва соз мустаҳкам ва сифатли бунёд этиш, ўз вақтида фойдаланишга топшириш учун замонавий техника воситалари: «Умга»да ҳар бир дақиқадан, зарур қурилиш ашёларидан унум-

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ҲАМ КЕНГ КўЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА ЮРТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ ВА ҚУРИЛИШ-ТИКЛАШ, ОБОДОНЛАШТИРИШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.



ли фойдаланишмоқда ва уларнинг меҳнати самараси иншоотлар кўркамлигида эркин намойён бўлиб турибди. — Қурувчи деган шарафли касбни эъзозлаб, халқимиз учун фаровонлик ва қулайлик яратиб беришимиздан, мустақил Ўзбекистонимиз кўркам кўр қишаётганимиздан бениҳоя фах-



тиб, касб байрамимизни яхши кайфиятда кутиб олаёلمиз. Албатта, насиб этса Истиқлол шодиёнаси кўнларида кураётган 16 хондонга мўлжалланган 1-ўғли ёш оилаларга барча қулайликлари билан топшираимиз.

— Касб байрамимизни барчамиз ҳамжамиятда қурилиш объектида нишонлаёلمиз, — дейди «Темурмалик» масъулияти чекланган жамияти қурилиш участкаси бошлиғи Ҳасим Шарипов. — Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида ўзимиз кураётган Тошкент Темир йўл муҳандислари институти қошидаги 540 ўринли академик лицейни фойдаланишга топшираимиз. Бунинг учун бутун кўч-ғайратимизни, бунёдкорлик тажрибамизни ишга солишмоқдамизки, янги ўқув йилида бидан ушбу таълим масканида билим оладиган фарзандларимиз мамнун бўлишсин.

Ҳа, шарафли ва машаққатли қурувчилик касбини эъзозлаб, кадр топаётган, меҳнатлари муносиб олқич ва муқофотларга сазовор бўлаётган бунёдкорларимиз ўз касб байрамларини ҳар бир қурилиш майдонида кўтаринки кайфият, катта ғайрат-шижоат билан кутиб олишмоқда. Шу ўринда биз ҳам уларни касб байрамлари билан самимий кўтлаб, «Қўларингиз асло толмасин, азиз бунёдкорлар!» дегимиз келди.

ШЕРИГА ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: ПОЙТАХТИМИЗ ҚУРИЛИШ МАЙDONЛАРИДА ЖАВЛОН УРАётган кўли гул қурувчилар. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

МЕҲМЕТ ЭРОЛ: «ЎЗБЕКИСТОНДА ПУХТА ЎЙЛАНГАН ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА»

батан ҳурмат ва бағрикенглик билан муносабатда бўлиш тамойиллари мустаҳкамлаб қўйилган».

Қўрсатув давомида Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётининг асосий босқичлари ҳақида батафсил маълумотлар тақдим этилди.

Таъкидландики, миллий манфаатлар ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги, бошқа давлатлар ички ишларига аралашмаслик, барча низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, барча мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ва ўзаро ҳурмат асосидаги алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш тамойиллари мустақилликнинг илк кўнларидан оқибатда республика ташки сиебсатининг асосий ташкил этади. Иштирокчиларнинг сўзларига кўра, айнан мана шу тамойилларга қатъий амал қилиш Ўзбекистон учун жаҳон иқтисодийга муваффақиятли равишда интеграциялашиш ҳамда дунёнинг турли мамлакатлари билан фаол сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш имконини бермоқда.

Қўрсатув давомида, шунингдек, Ўзбекистонда ҳорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароитлар, аҳолининг миллий ўзлигини англаш ва маънавий қадриятларини асраб-авайлаш ва янада бойиштиришга қилаётган маҳалла институти хусусида ҳикоя қилинди. Шу билан бирга 2008 йилнинг Ўзбекистонда «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши ёш авлод манфаатларини ҳимоя қилиш мақса-

дида истиқлолнинг илк йилларида ноқулайликларга қарамай ҳамда аҳолининг манфиатини давоми бўлгани қайд этилди.

Қўрсатувда, шунингдек, Ўзбекистондаги динлараро ттовулик ва бағрикенглик мавзусига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу маънода Ўзбекистоннинг ислом маданияти ва фани, қадимий ёдгорликларини асраб-авайлаш ишига қўшган ҳиссаси учун Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкент шаҳрини 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилгани алоҳида тилга олинди.

Теледастурда Ўзбекистонда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйига тайёрликларни айни кизгин паллага киргани айтиб ўтилди. Иштирокчилар бу хусусда тўхталиб, истиқлол йилларида Ўзбекистонда дунёга донги кетган Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, Қаршининг 2700 йиллиги, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи кенг нишонланганини қайд этиб ўтилди. Шу билан бирга, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад ал-Фарғоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк ота-боболаримиз — олим мутафаккирлар, давлат арбобларининг юбилейлари муносиб тарзда нишонлангани таъкидланди.

«Жаҳон» АА. Анкара.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ПЕКИНДАГИ XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИА УЙИНЛАРИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ ИШТИРОКИГА ДОИР
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан 2008 йил 8 август кун Пекинда ўтажак XXIX ёзги Олимпия уйинларининг очилиш маросимида иштирок этади.

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Энг улуг, энг азиз» танловининг Тошкент вилояти босқичи якунланди.

● Хоразм вилоятида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий фаоллигини ошириш мавзусида семинар бўлиб ўтди.

● Термизда «Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш» мавзусида икки кунлик семинар ташкил этилди.

● Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий-текшириш институтининг Қашқадарё филиалида мамлакатимиз Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида «Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

● Тошкент вилоятининг Паркент туманида ХХ халқаро аэрокосмик мактаб ўз фаолиятини якунлади.

● Тошкентда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг республика бўйича тақлиф этилган эллик нафар мутахассислари Япониянинг «NEC» компанияси вакиллари томонидан ташкил этилган семинар-ўқувда иштирок этмоқда.

● «Адолат» социал демократик партияси Наманган вилояти кенгаши ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Наманган филиали ҳамкорликда «Оғоҳлик—давр талаби» мавзусида кенгайтирилган давра суҳбати ўтказилди.

● Самарқанд вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси ва меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Бўш иш ўринлари» ярмаркасида 387 та корхона ва ташкилот 7408 та бўш ўрин ва касаначилик ишларини тақлиф этди. Ярмаркага келган 6072 нафар фуқаронинг 5161 нафарига мутахассисликлари бўйича ишга йўлланма берилди.

● Юсуфжон қизик Шакаржонов номидаги Фарғона вилояти мусикали драма ва комедия театрида ёш эстрада хондаларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● БМТ тарихида илк мартаба ташкилотнинг бош ҳуқуқий маслаҳатчиси лавозимини аёл киши эгаллади. Зеро, БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ҳуқуқий масалалар бўйича ўринбосари Патрция О' Брайеннинг (Ирландия) мазкур лавозимни эгаллаши хусусида қарор қабул қилган.

● Кеча Мальдив ороллари Президенти Мўмин Абдул Рийё мамакатининг янги конституциясини қабул қилди. Янги конституцияга биноан мамлакатда кўппартиявийлик сайловларига руҳсат берилади ва демократик ислохотлар ўтказилиши хусусида қарор қабул қилинган. Мамлакатда биринчи президентлик сайлови эса жорий йилнинг 10 октябрга қадар ўтказилади.

● Кеча ҳарбий тўнтаринг амалга оширилган Мавритания пойтахти Нуакшот шаҳрида ушбу тўнтарини ҳамда ҳиссага олинган давлат раҳбарини қўллаб-қувватловчи қарама-қарши йўналишдаги намоийшлар бўлиб ўтди.

● Интернет ахборот агентлигининг маълум қилишича, Грузия Жанубий Осетияга уруш эълон қилган ва Грузия ҳарбийларининг ҳужумлари тўғрисида Цхинвали шаҳридаги кўплаб уйлар, жумладан, ҳукумат уйи ҳам вайрон бўлган, тинч аҳоли ўрта-сида ҳам қурбонлар бор. Жаҳон ҳамжамияти ушбу қуролли можаорода Грузия президенти М. Саакашвилини айбламоқда.

● Вашингтон ва Бағдод 2013 йилга қадар барча коалиция ҳарбийларини Ироқдан олиб чиқиб кетишга келишиб олишди.

● Босния сербларининг собиқ етакчиси Радован Каражич АҚШнинг Болкондаги собиқ махсус вакили Ричард Холбуркни судга қақришни талаб қилмоқда. Эслатиб ўтамиз, Серб республикаси собиқ президентининг тасдиқлашича, у Холбурк билан шартнома тузган. Унга биноан сербларнинг собиқ етакчисининг сиебсатдан кетиши эвазига АҚШ ўз зиммасига унинг хавфсизлигини кафолатлаш мажбуриятини олган.

● Дунёдаги йирик автомобилсозлик корхоналаридан бири «Toyota Motor»нинг даромадлари жорий йил бошидан буён 28 фоизга камайган. Бунга сабаб компания машиналарига АҚШ бозорларида эҳтиёж камайганидир.

17 йил МУСТАҚИЛЛИК

Туркия телетомошабинлари орасида оммабон бўлган «Sinir otesi» («Хорижда») ахборот-таҳлилий дастурининг махсус сони Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланди. Бир ярим соат давом этган дастур Туркиянинг етакчи телеканалларидан бири - «Канал-А» эфирини намойиш этилди. Миллионлаб телетомошабинларга эга бўлган мазкур телеканал кўрсатувлари жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатларига узатилади.

Дастур муаллифи ва бошловчиси — Туркиянинг таниқли сиёсий шарҳловчиларида бири, Гога давлат университети халқаро муносабатлар факультети ўқитувчилар кенгаши аъзоси, Марказий Осиё минтақаси бўйича эксперт Меҳмет Эрродир. У 2007 йил 23 декабрь кунини Ўзбекистонда бўлиб ўтган Президент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган ҳамда жорий йил июнь ойида Тошкентда бўлиб ўтган «Замонавий демократик жамиятда оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги» мавзусидаги халқаро конференцияда қатнашган.

Дастур чоғида томошабинлар эътиборига Ўзбекистон мустақиллигининг ўтган 17 йили давомида мамлакатда эришилган натижалар, халқимизнинг бой тарихий-маданий мероси, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар, ислохотлар, шунингдек, Ўзбекистон билан Туркия муносабатларининг ҳозирги аҳоли ва истиқболлари ҳақидаги батафсил маълумотлар ҳавола этилди.

Дастурни очар экан М.Эрол, жумладан, шундай деди: «17 йил — амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш учун етарли бўлган давр. Шубҳасиз, Ўзбекистон Марказий Осиёда энг муҳим

аҳамият касб этадиган мамлакат. Бу нафақат унинг جўғрофий жойлашуви, аҳоли сони, табиий захиралари ёки илмий ва ишчи кучи салоҳияти билан, мамлакат раҳбарияти мустақил тараққийлаётган таъминлашга қаратилган изчил ички ва ташқи сиебсат қиратаётгани билан ҳам изоҳланади. Зеро, жаҳонда глобаллашув жараёни кенгайиб бораётган бир шароитда мустақил тараққийта эришиш кўплаб ёш давлатлар учун осон кечмаётгани аниқ.

«Янги ўғли қурмай туриб, эскисини бузма» ва «Ислохотлар ислохотлар учун эмас, балки инсон манфаатлари учун» — Президент Ислам Каримов ўз сиебсатида айнан шу тамойилларга амал қилиб, мамлакат тараққийлаётган моҳияти ва асосий йўналишини аниқ-равшан белгилаб берган.

Кўп йиллар мобайнида Марказий Осиё муаммолари билан шуғулланиб келаётган ва кўп бора Ўзбекистонда бўлган мутахассис сифатида мен Ўзбекистон раҳбарияти ислохотларни пухта ўйлаб, баландпарвоз шiorларга берилмасдан, янги давлатни шакллантириш жараёнида аҳолининг фаол иштирокини таъминлашни назарда тутган ҳолда амалга оширишга алоҳида таъкидлашни истардим.

Агар кимдир Ўзбекистон ва у эришган ютуқлар ҳақида ҳолисона

Курувчилар куни олдидан

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАХТ

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ 1-ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИДА ТАХСИЛ ОЛАДИГАН ТАЛАБАЛАР ВА УЛАРГА САБОҚ БЕРУВЧИ УСТОЗЛАРИГА ҲАР ЙИЛГИДАН ҲАМ ҚУВОНЧЛИ КЕЛИШИ, ШУБҲАСИЗ. ЧУНКИ АЗАМАТ БУНЁДКОРЛАРИНИНГ БАРАКАЛИ МЕҲНАТЛАРИ САМАРАСИ ЯҚҚОЛ КЎРИНИБ, МАЗКУР ЎҚУВ МАСКАНИ ҚАЙТА ЧИРОЙ ОЧДИ.

Ўқув масканини қайта реконструкция қилиш ишларини ўтказилган тендерда ғолибликни қўлга киритган «Бинокор» лойиҳа тайёрлаш, қурилиш ва таъмирлаш масъулияти чекланган жамоа уюшмаси бунёдкорлари ўтган йилнинг ноябрида бошлаган эди. Бош пудратчи ва қурилишга жалб этилган ёрдамчи пудратчиларнинг ҳамжиҳатлигидаги саъй-ҳаракатлари бугун ўз самарасини бериб, лойиҳадаги барча ишлар муваффақият билан амалга оширилди. 1600 ўринга мўлжалланган ўрта бугун мухтаassisларини тайёрлашга ихтисослашган Педагогика коллежи янги ўқув йилига шай ҳолга келтирилди.


Реконструкция ишлари бошлангандан буён ўтган давр мобайнида 300 нафардан зиёд турли касб эгаларини бирлаштирган курувчилар бригадалари суръатли бир зум ҳам бўлаётган меҳнат қилиши, — дейди қурилиш участкаси бошлиғи Абдуғаффор Қурбонов — Саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетмади ва бугунги

қунда барча ишларни адо этдик. Бинонинг сантехник жиҳозлари, эшик, ром, том ва поллари алмаштирилди, янги жиҳозлар билан таъминланди. Кимё, физика, биология, информатика хоналари замонавий воситаларга эга бўлди, ошхона, спорт ва фоллар залида барча қулайликлар муҳайё этилди. Буларнинг барчаси, албатта, ёшларимизнинг пухта билим олишлари, малакали кадрлар бўлиб етишишлари, яхши касб-хунарга эга бўлишлари йўлидадир. Шу боис ҳам бунёдкорларимиз ана шуни диддан хис этган ҳолда ғайрат билан теъшишди. Шунингдек, янги насос станцияси ҳам бунёд этилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки уюшма курувчилари бунёдкорликда ўзига хос тажрибага эга бўлиб, пойтахтимиздаги объектларда бир неча йилдан буён сифатли ишлари билан муваффақият қозонишмоқда. Боровский номи, Турсунқўжаева номи, С.Раҳимов тиббиёт коллежларини, қуриш ва қайта реконструкция қилишда уларнинг



фаоллиги яққол кўзга ташланган. Жорий йилда эса юқоридаги ўқув маскани билан бир қаторда Кўкчадаги 1-Тиббиёт коллежи қурилишида ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар. Яқинлашиб келаётган Курувчилар байрамига ажойиб соғва ҳозирлаган бунёдкор жамоа ахли Энг азиз ва энг улўғ байраминиз — юртимиз мустақиллиги айёбини ҳам 1-тиббиёт коллежининг фойдаланишга топшириб ёруғ юз билан қутиб олиш мақсадида иш суръатини жадаллаштирмоқда. Шу ўринда ўз касбининг усталари саналган Махаммадшер Хайитов, Арслон Ҳамроев, Уткир Айсаклов, Абдурахим Манасов сингари



курувчиларнинг сидқидилдан қилаётган хизматларини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Ҳадемай барча қулайликлар муҳайё этилган шинам хоналар ўз талабаларини бағрига олади. Уларнинг шодон чехраларидаги мамнуният, билим олиш ва хунар эгаллашга чанқоқлик устоз ҳамда ота-оналарни ҳам қувонтириши, шубҳасиз.

Дилноза СОДИҚОВА
СУРАТЛАРДА: 1-Педагогика коллежининг бугунги қиёфаси ва бунёдкорликда фаоллик кўрсатган курувчилар. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

Дил изҳорлари

ЭЗГУ НИЯТ БИЛАН

●Тоир ДАДАХОНОВ, курувчи, «Ўзбекистон Қаҳрамони»:

— Фахр-ифтихор билан айтиш мумкинки, Курувчилар куни — касб байрамимиз ҳар йили энг улўғ, энг азиз шодиёна — истиқлол айёми арафасида тантанали равишда нишонланади. Айниқса, мана шундай кунларда ишларимиз қийинди, мустақиллик иншоотларини ўз вақтида фойдаланишга топширишга интиламиз ва шу эзгу ният билан меҳнат қиламиз.

Бу йилги байрамимизни ҳам муҳим объект—таълим соҳасидаги мамлакатлараро ҳамкорликнинг яна бир намоиши бўлган Сингапур менежментни ривожлантириш университети филиали қурилишида фаоллик кўрсатиб қутиб оляпмиз. Мен бошчилиқ қилаётган «12-трест» акциядорлик жамиятига қарашли 50-қурилиш бошқармаси пардозловчилар бригадасининг 20 нафар бунёдкори айни пайтда мазкур объектда ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Биз бинонинг янада кўркам ва мустаҳкам бўлиши учун тажриба ҳамда маҳоратимизни ишга соляпмиз. Ушбу университет фойдаланишга топширилса, мустақиллик байрамига муносиб совғамиз бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, шарафли курувчилик касбини эъозлаб, бугунги кунда қурилиш майдонларида жавлон ураётган ҳамкасбларимизни, трестимиз ишчи-хизматчиларини, мен билан елкама-елка хизмат қилаётган Шоюсуф Мақсудов, Махмуд Шоқодиров, Абдурашид Мусаев, Рустам Холматов сингари шогирдларини касб байрамлари билан чин дилдан табриклайман ҳамда ишларида омад ёр бўлишини тилайман. Асло ҳорманг, азиз ҳамкасблар!

МЕҲНАТИМИЗ САМАРАСИ

●Қобил АЛИХЎЖАЕВ, 13-кўприк қурилиши отряди бош муҳандиси ўринбосари:

— Бунёдкорлик — чиндан ҳам шарафли ва ажойиб касб. Машаққатли меҳнатларнинг самараси — улкан ва кўркам иншоотларни кўриб дилдан қувонсан, фахрлансан киши. Отрядимиз бунёдкорлари, яъни тажрибали кўприксозларимиз Муштақиллик йилларида савоб ишга бош кўчиб ўнлаб кўприклар қуришмоқда, уларнинг замонавий қиёфа касб этишида фаол меҳнат қилишяпти. Ҳозирда биз қурган кўприклар транспортчию йўловчилар огирини енглил қилмоқда.

Касб байрамимизни янги объект — 2200 йиллигини нишонлаш арафасида турган ва ана шу қўтлуғ айёмга қизгин ҳозирлик кўраётган жонжон пойтахтимиз Тошкент кўркини янада очуви Тошкент «Шимолӣ» темир йўл вокзали яқинидаги темир йўл кўпригини қайта бунёд этишда фаоллик кўрсатиб қутиб оляпмиз. Бугунги кунда асосий ишларни ниҳоясига етказмоқдамиз. Шунинг баробарида 400 нафардан зиёд курувчи ишлаётган ушбу кўприк қурилишида пардозлаш, ободонлаштириш ишлари қизгин паллада.

Дарҳақиқат, қурилиш—мардлар майдони. Ана шу майдонда мардонвор меҳнат қилиб жасорат кўрсатаётган барча бунёдкорларини, шу жумладан жамоамиз меҳнат ахлини касб байрамлари билан қутлайман ва максадлари ушланишини, юзлари ёруғ бўлишини истайман.

Мамлакатимизда ахборот маконини шакллантириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майда қабул қилинган «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги фармонида ўз аксини топган. Бу борада 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалда татбиқ этилмоқда. 2008 йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари муҳокамасига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, йирик ишлаб чиқариш корхоналари, шунингдек, маҳаллий ҳокимият органларига компьютер ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бунда компьютер техникаси ва ахборот технологияларидан ишлаб чиқариш ҳамда бошқаруви фаолиятида амалий фойдаланиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Ҳозир алоҳида ва ахборотлаштириш соҳаси замонавий ахборот технологиялари неғизда жадал ривожланиб бораётир. Бугунги кунда республикамиз шаҳарлари ва туман марказларидаги барча тармоқлар рақамлаштирилган бўлиб, аҳоли, корхона, ташкилот ва муассасаларга юқори сифатли хизматлараро телефон алоҳида ва маълумотлар узатиш воситалари кўрсатилмоқда. Барча ҳойларда энг янги АКТ жорий этилмоқда. Интернетдан фойдаланувчилар сони ортиб бормоқда, улар алоҳида компаниялари абонентлари ҳам қўпаймоқда.

Бу соҳада қўсқа вақт ичида мамлакатимизда жиддий ижобий ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, одамлар турмуш даражасини ошириш бўйича асосий воситалардан бири ҳисобланган АКТ соҳасида ҳам сезиларли тўз ўзгаришлар амалга оширилди. Бу Халқаро телекоммуникация иттифоқи раҳбарияти томонидан АКТ бўйича ўтган йилги саммитда ҳам қайд этилди. Бундай саммитлар Ахборот-коммуникация технологияларини ҳафталлиги доирасида Ўзбекистонда ҳар йили ўтказилади. Халқаро телекоммуникация иттифоқи 2015 йилда Ер шарни аҳолисининг қарийб ярмини замонавий АКТдан фойдаланиш имконияти билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ўзбекистонда ушбу йўналишда самарали чора-тадбирлар амалга оширилди ва салмоқли натижаларга эришилди: бугунги кунда аҳоли фаол қисмининг ярмидан кўпи, яъни давлат муассасалари, университетлар, коллеж ва лицейлар, мактаблар, бизнес, илм-фан, маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда АКТдан самарали фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон бу борада халқаро ташкилотлардан электрон соҳасидаги ўз товар ва хизматларини сотиш учун шариот яратиб бермоқда, илмий тадқиқотларни амалга оширмоқда, ахборот ҳамжамиятини ташкил этиш гоёсини тарқатиш бўйича тарбият ишларини ўтказмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мамлакатни ривожлантириш учун АКТ сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда кўмаклашиши» (ICTP) деб номланган лойиҳа БМТ Ривожланиш дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва бошқаруви органлари фаолиятининг очик ҳамда ошқоралигини таъминлайдиган яхлит тизимни шакллантириш, «Сирдарё вилояти портали»ни ташкил этиш ва маҳаллий ҳокимияти тузилмаларининг фуқаролар, бизнес-тузилмалар билан ўзаро яқин ҳамжиҳатлигига кўмаклашадиган бошқа чора-тадбирлар кўзда тутилган эди. Ҳозир ҳўжалик юритувчи субъектлардан электрон шаклдаги солиқ ва бухгалтерлик ҳисобдорликларини қабул қилиш тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда, бўлуси е-ҳўкумат тарихий қисми сифатида интер-фаол давлат хизматлари рўйхати кенгайтирилмоқда.

Ўзбекистонда 2003-2005 йилларда «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги, «Электрон ҳўжат айланиши тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиниб, улар электрон рақамли имзони қўллаш ва электрон ҳўжат айланиши орқали ҳўқуқий жиҳатдан аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга ошириш учун ҳўқуқий замин яратди. Бу борада электрон рақамли имзо қабилларини рўйхатга олиш марказларини имкон борича тез ташкил этиш жуда муҳим эди. БМТ Ривожланиш дастури лойиҳаси ушбу вазифани амалга оширишда фаол иштирок этди. Кўп ўтмай биринчи шундай марказ ташкил этилди. Кейинчалик калитларни рўйхатга олиш бўйича яна бир неча, шу жумладан, нодавлат марказ ташкил этилди. Мазкур нодавлат марказ бугун 250 дан ортиқ электрон рақамли имзо сертификатларини топширди.

АКТни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш салоҳиятини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларни талаб қилади. Бу максадларга ИТ-тренинглар, семинарлар, давра сўхбатлари ва маслаҳатлар ўтказиш орқали эришилмоқда. Шунингдек, одамларни ушбу жараёнга янада қўл жалб қилиш учун ўқув материаллари ва қўлланмалар ишлаб чиқилмоқда. ИТ соҳасида интеллектуал мулк ҳўқуқларини ҳимоя қилиш бўйича семинарлар, Тошкент ахборот техно-

БОЛАЛАР ШОД БЎЛИШАДИ

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИ МАРОҚЛИ ЎТАЁТГАН АЙНИ ПАЙТДА УЛАР ТАЪЛИМ ОЛАДИГАН БИЛИМ МАСКАНЛАРИДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ҚИЗГИН ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Албатта, ўғил-қизларнинг замонавий бинодаги қулай ва шинам синф хоналарида ўз устозларидан сабоқ олишлари учун барча шарт-шароитларнинг мавжудлиги ота-оналар, ўқитувчилар ва ўқувчиларни хурсанд этади. Чилонзор туманидаги имконияти чекланган болалар таълим-тарбия оладиган 66-мактабда ҳам қайта реконструкция ишлари қизгин паллага кирди. Ушбу ўқув маскани «Меҳр нури» хайрия жамғармаси ташаббуси билан қайта чирой очмоқда. Янги ўқув йилида 420 нафар ўғил-қизлар таъмирланган кўркам бинода ўқишни давом эттириши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, бу ерда ўқувчилар учун спорт зали ҳам қурилмоқдаки, болалар спортини кўрлаб турлари билан шуғулланиб, саломатликларини тиклаш имкониятига эга бўлишади. Тадбирлар ўтказишга мўлжалланган фаоллар зали, компьютер хоналари замонавий жиҳозланади. Чилангарлик ва дурадгорлик устахонасида

ўғил болалар, сартарошлик устонасида эса қизлар хунар сирларини ўрганишади. Мактаб ховлисида эрталабки йиғилишлар ўтказиш учун ҳамда очик спорт майдончалари қад ростламоқда. АЙНИ КУНЛАРДА қайта қуриш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг барчаси кетма-кетликда режа асосида олиб борилиб, бу ишларга 150 нафар-

— Ҳар бир хунар эгаси қурилиш майдонида ўз маҳоратини намоён қилиб, сифатга алоҳида эътибор қаратмоқда. Албатта, синф хоналарининг кенг ва ёруғ бўлиши, чиройли пардозланиши мактаб ахлини хурсанд этади деган ниятдами. Шу боис ҳам ўз вазифаларини сидқидилдан удралаётган Ғиёс Муродов, Алишер Рихсиев, Мамараим Шодмонов сингари ҳамкасбларимиз Курувчилар кунини меҳнат муваффақиятлари билан нишонламоқдалар. Ўз сўзимизнинг устидан чиқиб, мактабни ҳамма қулайликлари билан янги ўқув йилига шай қиламиз. Шарофат БАХРОМОВА СУРАТЛАРДА: мактабни қайта таъмирлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Алексей Попов олган суратлар



— Ҳар бир хунар эгаси қурилиш майдонида ўз маҳоратини намоён қилиб, сифатга алоҳида эътибор қаратмоқда. Албатта, синф хоналарининг кенг ва ёруғ бўлиши, чиройли пардозланиши мактаб ахлини хурсанд этади деган ниятдами. Шу боис ҳам ўз вазифаларини сидқидилдан удралаётган Ғиёс Муродов, Алишер Рихсиев, Мамараим Шодмонов сингари ҳамкасбларимиз Курувчилар кунини меҳнат муваффақиятлари билан нишонламоқдалар. Ўз сўзимизнинг устидан чиқиб, мактабни ҳамма қулайликлари билан янги ўқув йилига шай қиламиз. Шарофат БАХРОМОВА СУРАТЛАРДА: мактабни қайта таъмирлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Алексей Попов олган суратлар

дан зиёд курувчи жалб этилган. — Мактаб жамоаси ва ўқувчиларга ажойиб соғва ҳозирлаш учун ганимат дақиқалардан унумли фойдаланилмай, — дейди иш юритувчи уста Аспон Сайитқулов.

логиялари университетда ўқитиш тизимини яхшилаш тадбирлари, БМТ Ривожланиш дастурининг бошқа қўшма лойиҳалари учун ИТ-тренинглар ва ушбу лойиҳаларда АКТ-таркиби қисмларини қулайтиришга доир маслаҳатлар бу борада амалга оширилаётган ишларга ёрқин мисол бўла олади.

Лойиҳа минтақавий ва миллий даражада тегишли ахборотни яратиш ҳамда тарқатиш орқали АКТ афзалликлари ҳақида умумий хабардорлиқни оширишга ёрдам бермоқда. Бу борада АКТ масалаларига бағишланган махсус «Тараққиёт сари» телевикторина ташкил этилди. Оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорлик бу соҳадаги янгилик ва воқеаларни мунтазам ёритиб бориш имконини бермоқда.

«АКТ сиёсати» лойиҳаси семинарлар, конференциялар бўйича мақолалар, видеоматериаллар, интерфаол компакт-дисклар, лойиҳа томонидан ва шериклар билан ҳамкорликда тайёрланган ўқув ресурслари ҳамда бошқа материалларни тақдир этилди. АКТ бўйича 3,4, ва 5-саммит компакт-дисклари, Ўзбекистонда АКТ ривожлантириш бўйича шарҳ, муаллифлик ҳўқуқини ҳимоя қилишга доир қўлланма, очик кодли дастурий таъминот бўйича тадқиқот материаллари, «Тараққиёт сари» теледастури видео-кутубхонаси ва бошқа қўлланма материаллар шулар жумласидандир.

Эркин ва очик дастурий таъминотни янада ривожлантириш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Ўзбекистонда эркин ва очик дастурий таъминотни татбиқ этиш учун барча имкониятлар ўрганиб чиқилди, тавсияномалар тайёрланиб, самарали саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. «Ўзбекистонни ривожлантириш учун эркин ва очик дастурий таъминотдан фойдаланиш» мавзусидаги тадқиқот материалларининг чоп этилиши бу борадаги катта кадам бўлди. Мутахассисларимизнинг эркин ва очик дастурий таъминот тажрибасини ўрганиш учун Таиланд ва Малайзияда ўқиш ташкил этилди, веб-сайт ишга туширилди, уй ҳамда офис учун дастурий ечимлар тўпламини ўз ичига олган компакт-дисклар чиқарилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳўкумат муассасалари, ҳўсусий сектор, халқаро ҳамжамият ва фуқаролик жамияти ўртасида АКТ масалалари бўйича очик мулоқот олиб бориш учун ўзига хос шарт-шароит яратилган. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилиши мумкин.

В.НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Кўнгул гар истасанг иззат на мақсум ўлса қонёе бўл — Ки, олам аҳли ичра хор ўлур ҳар ким эса томеъ.

Замоне гофул ўлма, Огаҳий, авқоти умрингдин — Ки, огаҳлар демишлар вақт бир шамширдур қотёе.

Ранж чекар ҳар ким эса хомтамаъ.

Эй кўнгул, ганждек ўл кунжи қаноатда ниҳон, Халқдин истар эсанг иззату иқром тамаъ.

Тиласанг яхши от, эй Огаҳий, тарки тамаъ эт — Ки, жаҳон ичра қилур кимсани бадном тамаъ.

Истаганга ганж бўлғай аждаҳо монёе.

Неча кўб бўлса журминг афву раҳматдин умид узма, Эмас баҳри қарам мавжига хошоқу хато монёе.

Агар қилсанг ибодат сидқи дил бирла қил, эй зоҳид — Ки, мақсадга етарга бўлғуси реву риё монёе.

Эй кўнгул, эрмас бу олам боғи жойи шодлиг, Оқил эрсанг, истама анда ҳавойи шодлиг.

Гар замоне шодлиг бўлса муяссар, бўлма шод — Ки, эрур андуҳу қулфат иқтисойи шодлиг.

Фам ўлмас даҳр аро бир дам жудойи шодлиг.

Ногаҳон гар шодлиг топсанг, анда олдонмоғил — Ки, очиб юмғунча кўз йўқтур бақойи шодлиг.

Элки холи борғуси охир туман ҳасрат била, Кимки нақди умрини қилди фидойи шодлиг.

Ботинни қилиб, эй дил, орастаи мардосо, Оройиши зоҳирга майл айлама зан янглиг.

Истагай олмоқ гадо илгида кўрса бир дирам, Кимки Қорундек эса минг ганжи зарри ноблиг.

Юз жаҳон мулқиға тўймас аҳли давлатнинг бири, Ваҳ, нечук фақр аҳли бўлсун мулк ила асбоблиг.


Сийна соф ўл истасанг бўлмоқ муқим базми васл — Ки, тенгиз қаърида мундин айламиш маъво садаф.

Қонёе ўл бир луқмага гар истар эрсанг софдил — Ки, топибдур ушбу хислатдин дури якто садаф.

«Cotton Plus» МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Хурматли тадбиркорлар!

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги жамоатчилик кенгашига Назорат қилувчи органлар томонидан Сизнинг фаолиятингизга асоссиз, ноқонуний ва ноўрин текширишлари бўйича қуйдаги ишонч телефониға мурожаат қилишингиз мумкин: 150-31-01.



ГАЛАБА СИЗЛАРГА ЁР БЎЛСИН, АЗИЗ ВАТАНИМИЗ СПОРТЧИЛАРИ!



Бугун Пекиндаги «Куш уяси» миллий стадионида XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари тантанали равишда очилади.

XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 58 НАФАР ЙИГИТ-ҚИЗИ СПОРТНИНГ ЎН БЕШ ТУРИ БЎЙИЧА МЕДАЛЛАР УЧУН КУРАШ ОЛИБ БОРАДИ.



+100 кг. вазн тоифасида Осиё чемпиони ва жаҳон чемпиони совриндори.
Мураббийи — В.Птаев.

Зинура ЖЎРАЕВА
1985 йил 26 сентябрда туғилган.
52 кг. вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони ва халқаро турнирлар совриндори.
Мураббийи — Н.Киямова.

Мария ШЕКЕРОВА
1988 йил 9 декабрда туғилган.
+78 кг. вазн тоифасида Осиё чемпиони.
Мураббийи — Н.Киямова.

ТЕННИС

Оқгул ОМОНМУРОДОВА
1984 йил 23 июнда туғилган.
Осиё чемпиони ва Осиё ўйинлари совриндори.
Мураббийи — С.Обидов.

ВЕЛОСПОРТ

Сергей ЛАГУТИН
1981 йил 14 январда туғилган.
«Тур де Корея» Гран-при турнири олтин медали соҳиби.
Мураббийи — Б.Муминов.

ОФИР АТЛЕТИКА

Шерождон ЮСУПОВ
1982 йил 10 октябрда туғилган.
77 кг. вазн тоифасида Осиё чемпиони ва Осиё кубоги совриндори.
Мураббийлари — Ш.Шахназаров, Ж.Топжу.

Мансурбек ЧАШЕВ
1983 йил 22 июнда туғилган.
85 кг. вазн тоифасида Осиё кубоги соҳиби.
Мураббийлари — Х.Тогаев, Ш.Махмудов.

ЎҚ ОТИШ

Дилшод МУХТОРОВ
1975 йил 4 январда туғилган.
Туплончадан ўқ отиш бўйича жаҳон чемпиони кумуш медали совриндори.
Мураббийлари — А.Сеттаров, В.Пулъяев.

Елена КУЗНЕЦОВА
1982 йил 1 августда туғилган.
Милтқдан ўқ отиш бўйича Осиё чемпиони.
Мураббийлари — А.Сеттаров, А.Давидов.

АКАДЕМИК ЭШКАК ЭШИШ

Руслан НАУРЗАЛИЕВ
1984 йил 21 декабрда туғилган.
Осиё ўйинлари голиби.
Мураббийлари — В.Чекменов, А.Бахромов.

БАЙДАРКА ВА КАНОЭДА ЭШКАК ЭШИШ

Вадим МЕНЬКОВ
1987 йил 12 июлда туғилган.
Осиё ўйинлари голиби.
Мураббийлари — М.Миербеков, А.Понмарёв.

Дилшод ИСРОИЛОВ

БОКС
Рафикон СУЛТОНОВ
1988 йил 19 февралда туғилган.
48 кг. вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони, халқаро турнирлар совриндори.
Спорт устаси.
Мураббийлари — А.Бекмуродов, К.Тожибоев.

Тўлашбой Дониёров
1981 йил 30 мартда туғилган.
51 кг. вазн тоифасида кўп карра Ўзбекистон чемпиони, Осиё чемпионати совриндори.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Сидней ва Афина олимпиадалари иштирокчиси.
Мураббийлари — Л.Кучкоров, У.Сиддиков.

Хуршид ТОЖИБОВ
1989 йил 13 ноябрда туғилган.
54 кг. вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони.
Спорт устаси.
Мураббийлари — Б.Мирзақуллов, М.Махмудов.

Баходиржон СУЛТОНОВ
1985 йил 15 январда туғилган.
57 кг. вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони, Осиё ўйинлари голиби, Афина олимпиадаси бронза медали совриндори.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Мураббийлари — А.Абдуллаев, В.Золотарёв.

Дилшод МАХМУДОВ
1982 йил 30 ноябрда туғилган.
69 кг. вазн тоифасида Осиё чемпиони, Осиё ўйинлари бронза ҳамда жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Мураббийлари — Х.Дехқонов, У.Сиддиков.

Элшод РАСУЛОВ
1986 йил 7 мартда туғилган.
75 кг. вазн тоифасида ўсимирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари голиби.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Мураббийлари — Н.Бойматов, М.Махмудов.

Аббос АТОВ
1986 йил 7 июнда туғилган.
81 кг. вазн тоифасида ўсимирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон

чемпионати совриндори, катталар ўртасида жаҳон чемпиони.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Мураббийлари — О.Мухамедов, М.Махмудов.

ЭРКИН КУРАШ

Дилшод МАНСУРОВ
1983 йил 12 декабрда туғилган.
55 кг. вазн тоифасида икки карра жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари голиби.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Мураббийлари — Н.Жаксиков, М.Рўзиев.

Сослан ТИГИЕВ
1983 йил 12 октябрда туғилган.
74 кг. вазн тоифасида жаҳон ва китъа чемпионатлари, Осиё ўйинлари совриндори.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Мураббийи — С.Аҳмедов.

Зурбек СОХИЕВ
1986 йил 1 июнда туғилган.
84 кг. вазн тоифасида жаҳон ва китъа чемпионатлари, Осиё ўйинлари совриндори.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Мураббийлари — М.Рўзиев, А.Очилов.

Курбон ҚУРБОНОВ
1985 йил 21 мартда туғилган.
96 кг. вазн тоифасида жаҳон ва китъа чемпионатлари совриндори.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Мураббийи — М.Рўзиев.

Артур ТАЙМАЗОВ
1979 йил 20 июлда туғилган.
120 кг. вазн тоифасида икки карра жаҳон чемпиони, 2000 йилги Сидней олимпиадаси кумуш, 2004 йилги Афина олимпиадаси олтин медали соҳиби, Осиё ўйинлари голиби ва совриндори.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Мураббийлари — М.Рўзиев, С.Абдувалыев.

ЮНОН-РУМ КУРАШИ

Ильдар ҲАФИЗОВ
1988 йил 30 январда туғилган.
55 кг. вазн тоифасида Осиё чемпиони.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Мураббийлари — Р.Биктяков, Г.Абдуллаев.

Сергей ПАНЬКОВ
1988 йил 23 декабрда туғилган.
Ўзбекистон чемпиони.
У Пекинда 200 метрга чалқанча усулда сузиш бахсларида катнашади.
Мураббийи — Д.Паньков.

Иброхим НАЗАРОВ
1988 йил 17 апрелда туғилган.

Дилшод ОРИПОВ
1977 йил 20 майда туғилган.
60 кг. вазн тоифасида китъа чемпиони, Осиё ўйинлари совриндори.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Мураббийлари — К.Фаткуллин, З.Гарипов.

Давид СОЛДАДЗЕ
1978 йил 15 февралда туғилган.
120 кг. вазн тоифасида жаҳон чемпионати совриндори.
Халқаро тоифадаги спорт устаси.
Мураббийлари — К.Фаткуллин, Р.Қудратов.

Ирина ШЛЕМОВА
1984 йил 25 мартда туғилган.
Ўзбекистон кубоги соҳиби.
У Пекинда 100 метрга эркин усулда сузиш бахсларида катнашади.
Мураббийлари — Д.Галандинова, И.Анищенко.

Ольга ГНЕДОВСКАЯ
1989 йил 15 августда туғилган.
Ўзбекистон чемпиони.
У Пекинда 100 метрга брасс усулда сузиш бахсларида катнашади.
Мураббийлари — З.Ермилова, Т.Лягина.

Пётр РОМАШКИН
1989 йил 5 июлда туғилган.
Ўзбекистон кубоги соҳиби.
У Пекинда 100 метрга эркин усулда сузиш бахсларида катнашади.
Мураббийлари — Д.Галандинова, Т.Мамунов.

Иван ДЕМЬЯНЕНКО
1989 йил 23 апрелда туғилган.
Ўзбекистон чемпиони ва халқаро турнирлар совриндори.
У Пекинда 100 метрга брасс усулда сузиш бахсларида катнашади.
Мураббийи — Н.Обухова.

Павел АНДРЕЕВ
1978 йил 24 ноябрда туғилган.
Ўнкураш бўйича Ўзбекистон чемпиони ва халқаро турнирлар совриндори.
Мураббийи — В.Андреев.

Надия ДУСАНОВА
1987 йил 17 ноябрда туғилган.
Баландликка сакраш бўйича Ўзбекистон чемпиони.
Мураббийлари — В.Лебединская, А.Полов.

Виталий СМЕРНОВ
1978 йил 25 октябрда туғилган.
Ўнкураш бўйича китъа чемпиони ҳамда Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори.
Мураббийлари — В.Коган, Г.Казаков.

Анастасия ЖУРАВЛЁВА
1981 йил 9 октябрда туғилган.
Уч хатлаб сакраш бўйича Осиё

чемпионати ва Осиё ўйинлари совриндори.
Мураббийи — В.Казак.

Анастасия СВЕЧНИКОВА
1992 йил 20 сентябрда туғилган.
Найза улоқтириш бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпиони.
Мураббийи — Е.Свечникова.

Бобур ШОКИРЖОНОВ
1990 йил 5 декабрда туғилган.
Найза улоқтириш бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпиони.
Мураббийи — Е.Свечникова.

Олег НОРМАТОВ
1981 йил 4 сентябрда туғилган.
110 метрга тўсиқлар оша югуриш бўйича Ўзбекистон чемпиони.
Мураббийлари — Б.Кўзиев, Д.Ким.

Светлана РАДЗИВИЛ
1987 йил 17 январда туғилган.
Баландликка сакраш бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони.
Мураббийи — В.Андреев.

Гузель ХУББИЕВА
1976 йил 2 майда туғилган.
100 ва 200 метрга югуриш бўйича Осиё чемпиони совриндори, Осиё ўйинлари голиби.
Мураббийи — Е.Квятковская.

Олег ЖУРАВЛЁВ
1982 йил 13 мартда туғилган.
200 метрга югуриш бўйича Ўзбекистон чемпиони.
Мураббийи — Э.Даниелян, Х.Қосимов.

Юлия ТАРАСОВА
1986 йил 13 мартда туғилган.
Еттикураш бўйича Ўзбекистон чемпиони ва халқаро турнирлар совриндори.
Мураббийи — Ш.Мамадалиев.

Екатерина ХИЛЬКО
1982 йил 25 мартда туғилган.
Жаҳон кубоги ва Осиё ўйинлари совриндори.
Мураббийи — Е.Федоренчик.

Хуршид НАБИЕВ
1985 йил 11 августда туғилган.
90 кг. вазн тоифасида Осиё чемпионати совриндори.
Мураббийи — Ж.Шодмонов.

Ўткир ҚУРБОНОВ
1983 йил 3 февралда туғилган.
100 кг. вазн тоифасида Осиё ўйинлари ва Осиё чемпионати совриндори.
Мураббийлари — Ж.Шодмонов, А.Штурбабин.

Абдулла ТАНГРИЕВ
1981 йил 28 мартда туғилган.

Албатта, Олимпиада ўйинларида голиб ва совриндор бўлиш осон иш эмас. Бунинг учун галабага бўлган кучли ирода, пишиқ-пухта тайёргарлик дилда Ватан шон-шавкатини ҳимоя қилиш туйғуси бўлиши керак. Ўйлаймизки, бу гал ҳам мамлакатимиз спортчилари Мустиқиллик йилларида Олимпиадаларда Артур Таймазов, Мухаммадқодир Абдуллаев, Ўткирбек Хайдаров, Александр Доктуровили, Лина Черязова, Баходир Султонов каби етакчи спортчиларимиз эришган муваффақиятларни такрорлайдилар. Бунинг учун эса барча имкониятлар етарли.

СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ ЮҚОРИ

БУГУН ХИТОЙНИНГ ҚАДИМИЙ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН ПОЙТАХТИ ПЕКИН ШАҲРИДА СПОРТ ОЛАМИДАГИ ЭНГ НУФУЗЛИ МУСОБАҚА — XXIX ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНАДИ.

Ушбу оламшумул мусобақаларда 205 мамлакатнинг 10500 нафарга яқин спортчиси катнашиб, галаба учун кураш олиб бориши ҳам турнирнинг савияси нақадар юқорилиги ва кураи заминимизнинг бугунги кундаги энг кучли спортчиларини жалб этганлигини далolat беради.

Кувонарли томони шундаки, 1996 йилдан бошлаб Олимпиадаларда мустақил жамoa сифатида иштирок этиб келаятган мамлакатимиз терма жамoa

асининг ўйиндан ўйинга кўрсатаётган натижалари юқорилаб бормоқда. Албатта бунга юртимизда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида бошқа соҳалар каби спортнинг ривожига қаратилаётган муҳим эътибор, жойларда янгидан янги замонавий спорт иншоотларининг бунёд этилиши, болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳим омил вазифасини ўтамоқда.

XXIX ёзги Олимпиада беллашува-

рида спортнинг 28 тури бўйича 302 та медал тўплами учун кураш олиб бориладиган бўлса, мамлакатимизнинг 58 нафар спортчиси ҳам Олимпиада иншоотларида галаба қозониш иштиёқида майдонга тушади.

Таъкидлаш керакики, спортчиларимизнинг Олимпиада йўлнамасини кўлга киритишлари учун турли-туман халқаро мусобақаларда муваффақият-ли қатнашиб, ўзига хос «тўсиқ»ларни енгиб ўтишлари тўғри келди. Ва

катнашчилар сафига назар ташлар эканмиз кўплаб иқтидорли, Олимпиада чемпионлиги ёки совриндорлиги муносиб спортчилар бор эканлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, бокс бўйича Олимпиада ўйинлари совриндори Баходир Султонов, эркин кураш бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари голиби Дилшод Мансуров, Афина Олимпиадаси ва Осиё ўйинлари голиби Артур Таймазов, трамполин бўйича жаҳон кубоги ва Осиё ўйинлари совриндори Екатерина Хилько, дзюдо бўйича Осиё чемпиони ва жаҳон чемпионати совриндори Абдулла Тангриев шулар жумласидандир.

Албатта, Олимпиада ўйинларида голиб ва совриндор бўлиш осон иш эмас. Бунинг учун галабага бўлган кучли ирода, пишиқ-пухта тайёргарлик дилда Ватан шон-шавкатини ҳимоя қилиш туйғуси бўлиши керак. Ўйлаймизки, бу гал ҳам мамлакатимиз спортчилари Мустиқиллик йилларида Олимпиадаларда Артур Таймазов, Мухаммадқодир Абдуллаев, Ўткирбек Хайдаров, Александр Доктуровили, Лина Черязова, Баходир Султонов каби етакчи спортчиларимиз эришган муваффақиятларни такрорлайдилар. Бунинг учун эса барча имкониятлар етарли.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г - 706

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3200 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5 6

Топширилган вақти: 13.58